

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**21-сон**  
**(833)**  
**2018 йил**  
**28 май**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

434. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармониغا қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги ПФ–5444-сон Фармони
435. «Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги ПФ–5445-сон Фармони
436. «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон Фармони [Кўчирма]

437. «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарори
438. «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3729-сон қарори
439. «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3730-сон қарори
441. «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПҚ–3737-сон қарори
442. «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

443. «Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 майдаги 379-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

444. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015*)
445. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 291-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-2*)

446. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 292-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960-1*)
448. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 295-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2861-1*)
449. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 296-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2862-1*)
450. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 321-В-8, 82, 2018-40-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-8*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 21 майдан 25 майгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****434 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармони-га қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, чиқиндиларни қайта ишлашда юқори технологиялар қўлланилган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошираётган хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси «ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) иловага қўйидаги мазмундаги 22-банд қўшилсин:

«22. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш».

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 май,  
ПФ–5444-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**435** Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш тартибини соддалаштириш, шунингдек, капитал қурилишда пудратчиларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

## 1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг давлат ривожланиш дастурларига киритилган лойиҳаларни фойдаланишга «тайёр ҳолда топшириш» шарти асосида (Engineering Procurement Construction) (кейинги ўринларда — ЕРС-пудратчилар) «fast-track» услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) реализация қилишда пудратчиларга, жумладан хорижий пудратчиларга қурилиш соҳасидаги тегишли лицензиялар ва (ёки) рухсатномаларни олмасдан, лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича тўлиқ жавобгарликни ЕРС-пудратчиларга юклаш шарти билан бир марталик рухсат беришга ҳақли;

ЕРС-пудратчилар «fast-track» услубида лойиҳаларни реализация қилиш учун рухсат олишда шу каби лойиҳалар бўйича амалий тажрибага, муайян молиявий кўрсаткичлар ва малакали муҳандислар таркибига эга бўлиши ҳамда Агентлик томонидан белгиланган бошқа мезонларга мос келиши шарт;

Архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш Агентлик томонидан амалга оширилади.

2. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш фаолиятини лицензиялаш бекор қилинсин.

## 3. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон иловасида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази (кейинги ўринларда — Марказ) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказадиган шахсларни аккредитациялашга масъул орган ҳисобланади;

Агентлик давлат буюртмачиси ва «fast-track» услубида лойиҳаларни ре-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

лизация қилишга рухсат олган ЕРС-пудратчиси ўртасида давлат харидлари ҳақида тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат беришга ҳақли.

4. Марказга «fast-track» услубида лойиҳаларни реализация қилишга рухсат олган ЕРС-пудратчилар томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ва (ёки) миллий норматив ҳужжатлардан фойдаланиш талабларини белгилаш ҳамда келишиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5392-сон Фармони учинчи бандининг бешинчи хатбошиси ҳамда унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳамда қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш учун киритишни;

конун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритишни таъминласин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 май,  
ПФ–5445-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 22 майдаги  
ПФ–5445-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан  
келишилган ҳолда амалга ошириладиган қурилиш  
соҳасидаги айрим фаолият турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

2. Кўприklar ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

3. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

4. Хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **436** Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

#### [Кўчирма]

Сўнги йилларда аҳолининг турмуш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бизнес юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда ва институциявий механизмлари такомиллаштирилмоқда, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда, бу эса олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларининг бугунги ривожини ҳамда инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш зарурати иқтисодий жиноятларга қарши курашиш, «хуфёна иқтисодиёт»нинг шаклланиш механизмларини, чет эл валютасининг назоратсиз чиқиб кетиш каналларини ўз вақтида аниқлашнинг шакл ва усулларини тубдан қайта кўриб чиқишни, шунингдек, импортни оптималлаштириш ва миллий товарлар экспортини рағбатлантириш бўйича тизимли ишларни кучайтиришни ҳам талаб этмоқда.

Шу муносабат билан, фаолияти иқтисодиёт ривожини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашишнинг замонавий воқеликка тўлиқ жавоб бермаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вазибалари, функциялари ва ваколатларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 майда эълон қилинган.

Бизнесни юритиш ва инвестицияларни жалб этиш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) этиб қайта ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Департамент:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни, шунингдек, мазкур жиноятлар содир этилиши оқибатида етказиладиган иқтисодий зарарнинг қопланишини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, жумладан халқаро шартномалари бўйича вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: биринчидан, иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш ҳамда қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иккинчидан, инсофли тадбиркорлар, чет эл инвесторларини улар фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш, бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сунъий бюрократик тўсиқ ва ғовларга чек қўйиш, импортни оптималлаштиришга ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қўмаклашиш;

учинчидан, бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш, давлат органлари ва ташкилотларида дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг асоссиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўриш;



тўртинчидан, ёқилғи-энергетика комплексида, банк-молия, солиқ, транспорт, қурилиш ва ижтимоий соҳаларда иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

бешинчидан, давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валюта маблағлари ноқонуний равишда чиқиб кетиши, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноқонуний муомаласи, «хуфёна иқтисодиёт»ни шакллантиришнинг турли схемалари ва каналларини аниқлаш;

олтинчидан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари айланмаси билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш;

еттинчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг самарали ижро этилишини таъминлаш;

саккизинчидан, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш;

тўққизинчидан, иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш.

### 3. Департамент тузилмасида:

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Валютага оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бўлими, Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўлими негизида Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси;

Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси негизида Ахборот-таҳлил бўлими ва Ташкилий-назорат бўлими ташкил этилсин.

### 4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ;

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК (кейинги ўринларда — Марказ) импорт шартномаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари лойиҳаларини Марказ томонидан экспертизадан ўтказишда аниқланган шубҳали операциялар тўғрисида Департаментга зарур ахборотни мунтазам равишда тақдим этади;

Департамент органлари томонидан ўтказилган тафтишлар ва текширувлар натижалари бўйича аниқланган ҳамда Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармалари даромадига ундирилган давлат органлари ва ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар томонидан амалга оширилган ноқонуний харажатларнинг, талон-торож, растраталар, камомадлар суммасининг 10 фоизи Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

6. Департаментга:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигидан банк ҳисобварақлари ва ягона ғазна ҳисобварағи бўйича давлат пул маблағларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиш;

тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларини, донор мамлакатлар, халқаро, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитларини сарфлаш масалалари бўйича давлат ташкилотлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларда белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш ташаббуси билан чиқиш;

давлат ташкилотлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналардан, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларни тақсимлашда суиистеъмолликлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги маълумотларни қабул қилиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, текшириш ва сақлаш, шунингдек, етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғрисида кўрсатма бериш, мазкур функцияни фақат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармасига юклаш;

Департамент зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

миллий ва чет эл валютасидаги бюджетдан ташқари маблағларни, шунингдек, Департамент органларининг депозит ҳисобварақларида бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш ҳуқуқлари берилсин.

Белгилансинки:

Департаментнинг ҳудудий тузилмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операциялар бўйича хабарлар олиш, кўрсатмалар ва сўровлар юборишга ҳақли эмас;

маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ушбу даромадларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирган ҳолда Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар раҳбарлари Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) талаблари ижроси учун шахсан жавобгардир;

Қоидаларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда Департамент томонидан, жумладан ушбу Қоидаларни тасдиқлаган органлар билан ҳамкорликда амалга оширилади;

валюта назоратини амалга оширувчи органлар ягона марказлашган ҳисобни юритиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ чораларни кўриш учун зарур бўлган валюта ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги маълумотларни Департаментга тақдим этиши шарт;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича жиноят ишлари Департамент томонидан хўжалик юритувчи субъект ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ва етказилган зарар ҳажми тўғрисида Департаментнинг хабарини олган кундан бошлаб ўттиз кун ўтгандан кейингина, шунингдек, ушбу муддат давомида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар шаклидаги давлатга етказилган зарар қопланмаган тақдирда, шунингдек, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоида-

ларини бузиш оқибатлари бартараф этилмаган ва етказилган моддий зарар қопланмаганда қўзғатилади. Бунда мазкур талаб шунга ўхшаш жиноятларни муқаддам содир этган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан татбиқ этилмайди.

8. Департамент тизимли равишда:

давлат органлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар томонидан товарларни асоссиз равишда ёки фаолият турига мос бўлмаган ҳолда импорт қилиш, мамлакат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш, чет эл валютасини ноқонуний тарзда чиқариб юбориш, давлат харидларини амалга оширишда импорт маҳсулоти нархини ошириб юбориш ҳолатларини аниқлаш мақсадида импорт ва экспорт таркибини таҳлил қилиш якуналари бўйича, жумладан тегишли статистик маълумотларни таққослаш орқали қонуний чоралар кўрилишини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш мақсадида экспорт-импорт фаолияти соҳасидаги коррупция ҳолатларини, бюрократик тўсиқларни ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари томонидан мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ҳолатларини тезкор бўлинмалар кучи билан аниқлашни;

тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи, маҳаллий ишлаб чиқариш ва товарлар экспорти ҳажмини оширишни секинлаштирувчи нормалар, омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашни, шунингдек, уларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишни таъминласин.

9. Департамент ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

бир ой муддатда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги шубҳали операциялар, шунингдек, чет эл валютасининг асоссиз чиқиб кетиши хавфи юқори бўлган операциялар тўғрисидаги хабарларни саралаш ва қайта ишлашни автоматлаштириш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқсин ҳамда жорий этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Департамент зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа идораларнинг маълумотлар базалари ва ахборот тизимларидан Департаментнинг ҳудудий бошқармалари фойдаланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбаси этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

Департаментнинг харажатлар сметалари ва штат жадвалига мазкур Фармонга мувофиқ ўзгартишлар киритсин;

янги ташкил этилаётган бўлинмаларни мебель, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминласин;

Департамент ходимларини ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажарганлиги учун моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) икки ой муддатда Департаментнинг янги ташкил этилаётган тармоқлари таҳлилий ва тезкор-қидирув фаолияти бўйича юсак кўникмаларга, ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

11. 2018 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5343-сон қарорининг 3-банди биринчи-учинчи хатбошилари Департамент ва унинг худудий бўлинмалари ходимларига татбиқ этилсин.

Бунда ушбу бандда кўрсатилган тадбирларни ижро этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилсин.

12. Департамент Банк-молия академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси билан биргаликда Департамент ходимларини молиявий-иқтисодий хавфсизлик, тезкор-қидирув фаолияти, шунингдек, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик ҳамда махсус техника воситаларидан ва ўқотар қуролдан фойдаланиш соҳаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус курсларни бегараз асосда ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Департамент Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа вазирлик ва идораларнинг бюллетенлари, статистик ахборотномалари мажбурий тартибда жўнатиладиган реестрга киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сон Фармонига 4-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритсин;

2018 йил якунлари бўйича ушбу Фармоннинг ижро этилиши самарадорлигини ўргансин ҳамда зарурат туғилганда Департамент фаолиятини ва ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 23 май,  
ПФ-5446-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 23 майдаги  
ПФ-5446-сон Фармонида  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаменти тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади):

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) хузурида иқтисодий жиноятлар ва коррупция, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширувчи, шунингдек, мазкур жиноятлар содир этилиши натижасида етказилган иқтисодий зарарнинг қопланишини таъминловчи мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм-

ни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Департаментнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг (кейинги ўринларда Бош прокурор деб юритилади) буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилади.

4. Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияни аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича процессуал ҳаракатларнинг узвийлиги ва изчиллиги жиноят иши кўзгатишдан бошлаб уни судда кўриб чиққунга қадар, Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг жиноятларни тергов қилувчи ҳамда улар бўйича судда давлат айбловини қўллаб-қувватловчи барча даражадаги прокуратура органлари билан ўзаро узвий ҳамкорлиги ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш натижасида таъминланади.

5. Департамент тизимига қуйидагилар киради:

Департаментнинг марказий аппарати;

Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади);

Департаментнинг туман (шаҳар) бўлимлари.

6. Департамент қуйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчиларга ва Бош прокурорга бўйсунув ва ҳисобдорлик асосида фаолият кўрсатади.

7. Департамент ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

8. Департаментнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Департаментда шакллантириш ва фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилади.

9. Департамент юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## **2-боб. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари**

10. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

инсофли тадбиркорлар, чет эл инвесторларини улар фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш, бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сунъий бюрократик тўсиқ ва ғовларга чек қўйиш, импортни оптималлаштиришга ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш;

бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш, давлат органлари ва ташкилотларда дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг асоссиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўриш;

ёқилғи-энергетика комплексида, ижтимоий, банк-молия, солиқ, транспорт ва қурилиш соҳаларида иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валютаси маблағларини ғайриҳуқуқий равишда чиқиб кетиши, олиб кириш ва олиб чиқиш, уларнинг ноқонуний муомаласи, «хуфёна иқтисодиёт» шаклланишининг турли схемалари ва каналларини аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини самарали ижро этилишини таъминлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомалага чиқарилиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларга қарши курашиш;

иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича чет давлатларининг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш;

иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш.

11. Департамент ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) инсофли тадбиркорлар, чет эл инвесторларини улар фаолиятига дав-



лат органлари ва ташкилотларнинг ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш, бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сунъий бюрократик тўсиқ ва ғовларга чек қўйиш, импортни оптималлаштиришга ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш соҳасида:

тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, улар фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларини аниқлайди, бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сунъий бюрократик тўсиқ ва ғовларга чек қўяди;

импорт ва экспорт тузилмасини таҳлил қилиш, давлат органлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар томонидан товарларни асоссиз равишда ёки фаолият турига мос бўлмаган ҳолда импорт қилиш, чет эл валютасини ғайриҳуқуқий тарзда чиқариб юбориш, давлат харидларида импорт маҳсулотлари нархини ошириш ҳолатларини аниқлаш яқунлари бўйича қонуний чораларни кўради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилувчи коррупция ҳолатларини ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини тезкор бўлинмалар кучи билан аниқлайди;

тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир қилувчи, маҳаллий ишлаб чиқариш ва товарлар экспорти ҳажмини оширишни секинлаштирувчи нормалар, омиллар ва шарт-шароитларни аниқлайди, шунингдек, уларни бартараф қилиш ва мазкур соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини яшириш ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аҳволи тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш ҳолларини аниқлайди;

2) бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш, давлат органлари ва ташкилотларда дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг асоссиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўриш соҳасида:

давлат ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағларини растрата қилиш, талон-торож қилиш, камомадлар, ноқонуний сарф қилиш, давлат харидларида нархларни ошириш, дебитор ва кредитор қарздорликларни асоссиз орттириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича чоралар кўради;

давлат ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш жараёнида мол-мулк хатловини, бажарилган ишларнинг назорат ўлчовларини ўтказди;

3) ёқилғи-энергетика комплексида, ижтимоий, банк-молия, солиқ, транспорт ва қурилиш соҳаларида иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қар-

ши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш соҳасида:

а) ёқилғи-энергетика комплексининг қўйидаги йўналишлари бўйича иқтисодий жиноятлар ва коррупция ҳолатларини аниқлайди ва чек қўяди:

экспорт салоҳиятини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ва ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар билан тўлдириш, товарлар ва маҳсулотларни импорт қилиш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш;

хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, ёқилғи-энергетика ва геология-қидирув тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш;

ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, муқобил энергия улуши кўпайишини таъминлаш;

ер қаърини геологик тадқиқ қилиш, ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, қидирув ва разведка ишларини ўтказиш;

б) ижтимоий соҳанинг қўйидаги йўналишлари бўйича иқтисодий жиноятлар ва коррупция ҳолатларини аниқлайди ва чек қўяди:

тиббиёт муассасаларининг моддий-техник таъминлаш, ўз вақтида ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг давлат томонидан нархларни тартибга солишнинг белгиланган тартибига риоя этиши;

олий таълим муассасаларига кириш ва таълим олиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим муассасаларини озик-овқат маҳсулотлари ва жиҳозлар билан таъминлаш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларнинг, шу жумладан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашни ташкиллаштириш;

аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

в) банк-молия ва солиқ соҳаларининг қўйидаги йўналишлари бўйича иқтисодий жиноятлар ва коррупция ҳолатларини аниқлайди ва чек қўяди:

банк-молия ва солиқ қонунчилигига риоя этиш, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, бюджет қоидалари, шунингдек, бюджет ва смета-штат интизомига риоя этиш;

кредит ажратиш, бошқа молиявий хизматларни тақдим этиш, донор мамлакатлар, халқаро, чет эл ҳукумати ва ноҳукумат ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари, шунингдек, давлат кафолати остида жалб қилинадиган чет эл кредитларидан мақсадли фойдаланиш;

банк-молия муассасалари ва суғурта компанияларининг маҳаллийлашти-

риш дастурлари, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда иштирок этиши;

г) қурилиш ва транспорт соҳаларининг қўйидаги йўналишлари бўйича иқтисодий жиноятлар ва коррупция ҳолатларини аниқлайди ва чек қўяди:

қурилиш учун ажратилган ерлардан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография фаолияти, давлат кадастрини юритиш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда техника шартлари ва регламентларига риоя этиш, уй-жой ва йўл қурилиш дастурлари ижроси;

маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш;

фуқароларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ва етим болаларга арзон уй-жойлар ажратилиши, намунавий лойиҳалар бўйича сифатли уй-жой қурилишини таъминлаш;

маҳаллий, республика ва халқаро аҳамиятга молик автомобиль, темирйўл йўллари, маҳаллий ва халқаро аэропортларни қуриш ва реконструкция қилиш;

транспорт соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, автомобиль, темирйўл ва ҳаво транспортида юкларни ва йўловчиларни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларнинг даража ва сифатини ошириш, халқаро логистика марказларини ташкил этиш;

4) давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валютаси маблағларини ғайриҳуқуқий равишда чиқиб кетиши, олиб кириш ва олиб чиқиш, уларнинг ноқонуний муомаласи, «хуфёна иқтисодиёт» шаклланишининг турли схемалари ва каналларини аниқлаш соҳасида:

давлат ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар томонидан давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашади;

валюта назоратини амалга оширувчи органлар билан биргаликда чет эл валютасида операцияларни амалга оширишдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш ва профилактика қилиш чораларини кўради;

чет эл валютаси маблағларининг ғайриҳуқуқий чиқиб кетиши, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларни ноқонуний муомалада бўлиш каналларини ўрганади ва аниқлайди;

«хуфёна иқтисодиёт» шаклланишининг ҳолатларини аниқлаш бўйича чоралар кўради, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўяди;

5) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини самарали ижро этилишини таъминлаш соҳасида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялашти-

риш аломатларини аниқлаш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни тизимли мониторинги ва молиявий таҳлилини олиб боради;

терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотлардан расмий каналлар орқали олинган маълумотлар асосида террорчилик фаолиятида ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатини шакллантириш ва юритишни амалга оширади;

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши устидан назоратни таъминлайди;

етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда иктисодий жиноятларни содир этишда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда, терроризмни молиялаштиришда ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришда иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш чораларини кўради;

иштирок этувчи вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш хавфларини баҳолашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўради;

жалб этилган вазирлик ва идораларнинг ишини мувофиқлаштиради, хавфларни (таваккалчиликларни) баҳолаш орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатувчи муаммо ва камчиликларни тизимли таҳлил қилади, уларни камайитириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардан келиб тушадиган шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни қабул қилади, қайта ишлайди ва маълумотлар базаларини шакллантиради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш учун илғор дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва

тиббиёт буюмлари муомалага чиқарилиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларга қарши курашиш соҳасида:

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига (маҳаллий ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи ва ун, гўшт, шакар), шунингдек, пахта шроти ва шелухасига бўлган нарх-навони асоссиз ва сунъий оширишга, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўради;

марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасини харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда коррупцияга қарши курашади;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига, шунингдек, пахта шроти ва шелухасини сотишда нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмига риоя этилишини аниқланган қонун бузилишлари бўйича материалларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ваколатли органларга йўналтирган ҳолда тизимли ўрғанади;

назорат қилувчи органлар ходимлари ва бозор маъмурияти томонидан коррупция ҳолатлари, уларнинг бозорлар фаолиятини ташкил этишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминламаслик, шу жумладан нарх-наволарни асоссиз ва сунъий ошириш, уларнинг ҳудудида ноқонуний фаолият юритаётган шахсларга нисбатан чоралар кўрмаслик ҳолатларини аниқлаш чораларини кўради;

сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаласини аниқлайди ва чек қўяди;

7) иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича чет давлатларининг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида:

халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро келишув принципи асосида иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик қилади ва ахборотлар айирбошлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида қабул қилинган мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, Департамент фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тайёрлаш ва тузишда таклифлар киритади ва унда иштирок этади;

8) иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, иқтисодий жиноятлар ва коррупция содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятига оид статистика ҳисоби ва ҳисоботларни юритади, уларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди;

ишнинг самарали усулларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қилади, ходимларнинг касбий кўникмаларини ошириш чораларини кўради;

Департамент фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилади ва ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

Бош прокуратура раҳбариятига иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш натижалари ва муаммолари тўғрисида ахборот беради;

9) иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш соҳасида:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятда иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича комплекс чораларни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилади, уларни Департамент фаолияти натижалари тўғрисида хабардор қилади, ушбу мақсадларда семинар, брифинг, пресс-конференция, «давра суҳбатлари» ва бошқа тадбирларни ўтказиши.

Департамент қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган вазифалар ва амалга оширадиган функцияларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролардан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, уларнинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналаридан Департаментга юклатилган мажбуриятларни бажариш учун зарур ахборот, маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва бепул олиш. Департамент томонидан олинган ахборот фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади ва ошкора қилиниши мумкин эмас;

фуқаролар ва мансабдор шахсларни Департаментнинг иш юритувидаги жиноят ишлари, терговга қадар текшириш материаллари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича чақириш, зарур ҳужжатлар, маълумотлар ва уларнинг нусхаларини бепул олиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигидан банк ҳисобварақлари ва ягона ғазна ҳисобварағи бўйича давлат пул маблағларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиш;

юклатилган вазифаларни бажаришда молия, солиқ, божхона ва бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимларини амалий эксперт кўмаги кўрсатиш учун жалб этиш;

тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларини, донор мамлакатлар, халқаро, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитларини сарфлаш масалалари бўйича давлат ташкилотлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларда белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш ташаббуси билан чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларида текшириш ва тафтиш қилиш жараёнида мол-мулкни хатловдан ўтказиш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини амалга ошириш;

давлат ташкилотлари, мақсадли жамғармалар ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналардан, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларни тақсимлашда суиистеъмолликлар ва коррупция ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда иқтисодий жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга ошириш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма бериш;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб ва ҳисо-

ботларнинг бузилиши ёхуд уларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги аниқланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг телекоммуникация воситалари ва компьютер маълумотлар базаларига кириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ҳужжатлари билан танишиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши масаласи бўйича текширув тадбирларини амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор бўлиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширувлар ўтказиш;

текшириш, тадқиқот ва экспертиза ўтказиш учун товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ валюта назорати органларига берилган функцияларни бажариш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслардан ва фуқаролардан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухаси нархларининг асоссиз ва сунъий оширилиши, нарх-навони манипуляция қилиш, уларга сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суиистеъмолликлар ва коррупция ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасига бўлган нархларни асоссиз ва сунъий ошириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суиистеъмол қилинишлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича молиявий-хўжалик фаолиятни текшириш ҳисобланмайдиган тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича вазирлик ва идораларнинг вакилларини эксперт сифатида, шунингдек халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ялпи мажлислар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси делегациясини шакллантиришда жалб қилиш;

Департамент ваколатига киритилган ишлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиш, терговга қадар текшириш ва суриштирув олиб бориш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;

Департаментнинг ҳудудий бошқармаларида терговга қадар текширув ва



суриштирув олиб борилишини, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш масалалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш;

давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга риоя қилиш шarti билан тегишли экспертизалар ўтказиш, ўқув дастурлари, методик ҳужжатлар, дастурий ва ахборот таъминотини ишлаб чиқиш, молиявий мониторинг соҳасида ахборот тизимларини яратиш учун илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларни, алоҳида мутахассисларни, шу жумладан, шартнома асосида ишга жалб қилиш;

миллий ва хорижий валютадаги бюджетдан ташқари бўш маблағларини, шу жумладан, Департамент депозит ҳисоб рақамларида мавжуд маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит рақамларига жойлаштириш.

Департамент қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида маълумотларни қабул қилиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, текшириш ва сақлаш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма бериш Департаментда фақат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Департаментнинг ҳудудий бўлинмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операциялар бўйича хабарларни олиш, кўрсатма ва сўровларни юборишга ҳақли эмас.

Департамент томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари, хусусан, таҳлилий материаллар, текширув харидлари ёки назорат харидлари натижалари бўйича олинган товар ёки касса чеклари, шунингдек, қонун бузилишини тасдиқловчи чекларни бермаслик ҳолатлари, кейинчалик қонунбузарликнинг кенг миқёсини, нархларни асосиз ва сунъий

ошириш усуллари ва механизмларини аниқлаш мақсадида, зарур ҳолларда, ваколатли органнинг махсус руҳсати талаб этилмаган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун асос ҳисобланади.

Департамент ходимлари давлат, хизмат, тижорат сирини, жисмоний шахсларнинг омонатлари тўғрисидаги маълумотлар сирини ва улар ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олган бошқа ахборотни сир сақлашлари шарт. Сир ошкор қилинган тақдирда ходим қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Департамент ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суриштирув органи бошлиғи ҳуқуқларига эга бўлади.

14. Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг Департамент юклатилган функция ва вазифаларни ижро этиш бўйича фаолияти устидан ва прокурор ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан назоратни таъминлайди.

15. Департамент ходимлари ўзларининг функционал вазифаларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

16. Ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибга солинади.

#### **4-боб. Департамент фаолиятини ташкил этиш**

17. Департаментга Бош прокурор тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

18. Департамент бошлиғи:

Департамент бошлиғининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан тайинланадиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

мавқеи, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатилиши бўйича Бош прокурор ўринбосарига тенглаштирилган; ўз фаолиятида Бош прокурорга бўйсунди ва ҳисобот беради.

19. Юклатилган вазифаларни бажариш учун Департамент бошлиғи:

а) Департамент фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

б) Департамент ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

в) Департаментнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлим бошлиқлари ҳисоботларини эшитади;

г) Бош прокурорга қуйидагиларни киритади (тақдим этади):

Департамент ваколатларига оид масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари;

Департамент, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар;

мазкур Низомнинг 18-бўлими иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида тақдимнома;

Департамент ходимларига даражали унвонларни бериш ҳақида тақдимномалар;

Департамент ходимларини рағбатлантириш, давлат мукофотларига тақдим этиш ҳақида таклифлар;

Департамент фаолияти тўғрисида ҳисобот;

д) Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат жадвалини, Департаментнинг марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

е) ўз ваколатлари доирасида Департаментнинг фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид, ижроси барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;

ж) ажратилган маблағлар доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришларни тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди;

з) Департаментга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

и) Департамент кучларини ва маблағларини самарали тақсимлашни ташкил қилади, шу жумладан айрим вазифаларни бажарувчи ходимларни Департаментга юклатилган бошқа ишларга жалб қилади;

к) Департамент фаолиятига оид масалалар юзасидан тезкор йиғилишлар ўтказди;

л) чет эл давлатлари ваколатли органлари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар ва бошқа шартномалар тузади;

м) қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Департамент бошлиғи йўқлигида ваколатларини унинг ўринбосарларидан бири Бош прокурор буйруғига кўра амалга оширади.

21. Қўйидагилар:

Департамент марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан;

Департамент марказий аппарати таркибий бўлинмалари бошлиқлари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари Бош прокурор билан келишилган ҳолда Департамент бошлиғи томонидан;

Департамент марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимларининг бошқа ходимлари Департамент бошлиғи томонидан;

Департамент туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ўринбосарлари Департамент бошлиғи билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан;

Департамент худудий бўлинмаларининг бошқа ходимлари Департамент худудий бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

22. Департамент ходимларини моддий рағбатлантириш Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда, ажратилган бюджет маблағлари, Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

23. Департаментнинг кўрсатмалари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек Департамент фаолиятига аралashiш ва унинг ходимларига, юклатилган вазифа ва ваколатларни бажаришга тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ҳамда қонунда белгиланган жавобгарликка олиб келади.

24. Департаментни тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 23 майдаги  
ПФ–5446-сон Фармониغا  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни  
амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон  
ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда  
прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги  
ПФ–5019-сон Фармониغا киритилаётган  
ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошларида «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

зарур ҳолларда, прокуратура органлари, шу жумладан Ҳарбий прокуратура ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартишлар киритиш;

Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган меъёрларга мувофиқ Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари

ҳисобидан прокуратура органлари учун қўшимча ёрдамчи персонал штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.


3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин».

4. 1-иловадаги «Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» блоки «Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» блоки билан алмаштирилсин.

5. 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга  
қарши курашиш департаментининг  
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 23 майдаги  
ПФ-5446-сон Фармониغا  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ПФ-4148-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 291-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 415-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**437 Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришда, шу жумладан электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имконини берди.

Шунга қарамай, мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

иккинчидан, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

учинчидан, электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий тўлов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

бешинчидан, электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисобкитобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса Интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунинг-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.



дек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.

Мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар)ни Интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат битимларини амалга оширишда тўловлар виртуал терминаллар (E-POS) орқали харидорга нақд пулни қабул қилганлиги тўғрисида электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбурий юборган ҳамда инкассация қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкка топшириш шarti билан нақд пул шаклида қабул қилиниши мумкин;

электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

электрон тижорат орқали реализация қилинган уч минг АҚШ доллари-гача бўлган товарлар (хизматлар)ни экспорт қилиш Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилмасдан ва юк божхона декларацияси тўлдирилмасдан почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади;

виртуал терминаллар (E-POS) шу турдаги назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларига тенглаштирилади.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шarti билан қабул қилиш ҳуқуқи берилади;

электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинади;

электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчи-га ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортда Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун

лицензия олиш талаб қилинмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда етакчи хорижий савдо майдончалари (eBay, Amazon ва бошқалар), тўлов тизимлари (Paypal) билан музокаралар ўтказишни ташкил этсин ва ўтказилган музокаралар якуни бўйича маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ушбу савдо майдончалари ва тўлов тизимлари орқали товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини яратиш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббий буюмларни, уларни сақлаш ва етказиб бериш талаблари ва шартларини инобатга олган ҳолда, реализация қилиш ва етказиб бериш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

икки ой муддатда электрон тижорат соҳасида давлат миқёсидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш механизмини инобатга олган ҳолда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритсин;

мижозларни мобил алоқа рақамига боғлиқ ҳолда масофадан идентификация қилиш механизмининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида 2018 йил якунига қадар мобиль алоқа тармоғи абоненти бошқа мобил алоқа тармоғига ўтганда телефон рақамини сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда электрон дастурий маҳсулотлар, ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштириш, шу жумладан «булутли технологиялар» хизматини харид қилиш ва унга обуна бўлишнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва божхона расмийлаштируви (декларациялаш) тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Марказий банк билан биргаликда 2018 йил якунига қадар мобиль телефонлар (планшетлар) қўлланилишини инобатга олган ҳолда банк карталари ва нақд пул тўловла-

рини қабул қилувчи ягона қурилмаларни (Е-POS терминал ва онлайн НКМ бир қурилмада) жорий этиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрини (кейинги ўринларда Миллий реестр деб юригилади) яратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Миллий реестрни юритиш электрон шаклда онлайн режимда амалга оширилади;

Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда товар (хизмат)ларни электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотилган товарлар (хизматлар) ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этувчи, шу жумладан электрон тижоратда электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар киритилади.

9. Миллий реестрни шакллантириш, юритиш ва келгусида ривожлантириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказига юклатилсин.

10. Миллий реестрни юритишнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

электрон тижорат иштирокчилари тўғрисидаги ягона электрон ахборот банкини яратиш;

электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатининг тизимли мониторингини олиб бориш ва баҳолаш, шу жумладан ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишнинг самардорлигини ўрганиш;

электрон тижоратни самарали ривожлантириш учун мақсадли таҳлилини олиб бориш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

11. Белгилансинки, Миллий реестрга киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар 2 фоиз ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланади.

12. 2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президен-

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 май,  
ПҚ-3724-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**438 Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир  
респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши  
курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-  
ри тўғрисида\***

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида мамлакатда эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашда, гриппга оммавий чалиниш ҳолатларининг олдини олишда, пандемик салоҳиятга эга янги юқори патоген вирусли инфекцияларга қарши курашишда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ўтказилган таҳлиллар натижалари грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг таъсирчан профилактикаси бўйича чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган шарт-шароитлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, доимий генетик ўзгаришлар ҳамда одамлар учун хавфли вирусларнинг пайдо бўлиши хавфи, шунингдек, миграция жараёнларининг жадаллашуви юзага келаётган инфекцияларнинг тахдидларга тезкор муносабат билдиришни талаб қилмоқда ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга оширишни қийинлаштирмоқда, жумладан мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, инфекция юқиши хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасини вак-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 майда эълон қилинган.

цинопрофилактика қилиш даражасининг ҳозирги замон талабларига мос келмаслиги гриппга чалиниш даражасининг ошиши учун шароит яратмоқда;

учинчидан, рўйхатга олиш механизмларининг мукамал эмаслиги вакциналар, ташхис қўйиш тўпламлари ва вирусга қарши воситаларнинг ўз вақтида олиб кирилишини қийинлаштирмоқда;

тўртинчидан, импорт қилинадиган вакциналар ва вирусга қарши воситаларнинг ўзига хос фаоллиги, шунингдек, импорт қилинадиган парранда ва чорва маҳсулотларининг одамларга нисбатан хавфли вируслардан холи эканлиги устидан лозим даражадаги лаборатория назорати таъминланмаяпти;

бешинчидан, даволаш муассасаларини грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга тезкор ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда, шунингдек, гриппга чалинган беморларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни эрта аниқлашда камчиликлар мавжуд;

олтинчидан, барча ихтисосликдаги шифокорларнинг замонавий усуллар билан грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича малакасини ошириш жараёни, шунингдек, шифокорларнинг беморларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш бўйича фаоллигини рағбатлантириш лозим даражада ташкил этилмаган;

еттинчидан, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, маҳаллий вакциналар, вирусга қарши воситалар, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу мақсадларга инвестициялар ва грантлар жалб қилиш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб топилсин.

2. Қўйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа масъул идораларнинг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумжаҳон ва минтақавий санитар-эпидемиологик ҳолатнинг доимий таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш, мамлакатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалиши тенденциялари ҳамда кенг тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларни прогноз қилиш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш, вакциналар,

вирусга қарши воситалар ва ҳимоя воситаларининг, ушбу касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолини зарур ҳажмда долзарб вакциналар, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ва уларнинг захирасини шакллантириш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг комплекс профилактикасини, биринчи навбатда, юқтириш ва оғир оқибатларга чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасининг умумий вакцинациясини ташкил этиш орқали амалга ошириш;

кенг тарқалиши мумкин бўлган грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг илк эпидемиологик белгиларини аниқлаш ва келгусида аҳоли ўртасида касалланишни камайтириш учун комплекс шошилиш чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун хорижий давлатларнинг, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари)ни ва грантларини ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантилган ҳисоб-китоблари бўйича гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар пайдо бўлганда вакциналар, вирусга қарши воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, эрта ташхис қўйиш ускуналари билан таъминлаш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан кейинги йилларда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. 2018 йил 1 августдан гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга чалинган ҳамда клиник-эпидемиологик кўрсатмалар бўйича парранда ва ҳайвонларда учрайдиган гриппнинг юқори патоген вирусларини ҳамда одамлар учун хавфли бўлган бошқа ўткир респиратор инфекцияларни юқтирганликда гумон қилинаётган шахсларга ушбу вирус турлари бўйича мажбурий ташхис қўйилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

юқумли касалликлар стационарларида, туғруқ комплексларида ҳамда перинатал марказларда, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида ва унинг филиалларида гриппга ташхис қўйиш бўйича экспресс-тестларнинг ҳамда гриппни даволовчи вирусга қарши махсус воситанинг қайта

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

тикланувчи захираси ташкил этилишини, шунингдек, ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир шакллариغا чалинган беморларни даволаш учун шу соҳага ихтисослашган стационарларнинг жонлантириш ва интенсив терапия бўлимлари зарур асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари билан жиҳозланишини таъминласин;

бир ой муддатда грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган шахсларни мавсумдан олдин вакцинация билан қамраб олиш мақсадида уларнинг асослантирилган контингентини, шунингдек, зарур молиявий маблағлар ҳажмини аниқласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу контингентнинг вакцинациясини ташкил этиш ва вакциналар харид қилишни молиялаштириш манбаларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда юқори патоген грипп вируслари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишини назорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга қарши вакциналар, ташхис воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситаларининг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, илғор хорижий илмий ишланмаларни ва янги юқори самарали воситаларни жорий этиш тажрибасини ўрганиш, кейинчалик инновацион ишланмалар натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот институти базасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтларини жалб этган ҳолда ўз вақтида бажарилишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув дастурини такомиллаштириш чораларини, жумладан ўқув жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш чуқур ўрганилишини назарда тутовчи чораларни кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилишини ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда ҳисоботлар тақдим этиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли ўртасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари даволаш-профилактика муассасаларини эҳтиёжга қараб грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни самарали профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган самарали шахсий ҳимоя ва тезкор-ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши, патогенетик ҳамда бошқа воситалар ва ускуналар билан таъминласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, 2019 йил 1 мартга қадар муддатда 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.С. Қосимов, Р.Р. Иноятов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 май,  
ПҚ-3729-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**439** **Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, қисқа муддатда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш, умумий қуввати йилига миллион тоннадан ортиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олиш кўламининг ўн баравардан зиёд ортишига имкон берди.

Шу билан бирга, экологик хавфсизликни таъминлашга қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини лозим даражада шакллантиришга айрим тизимли муаммолар тўқсинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, тегишли инфратузилмани қониқарсиз ҳолатга ва аҳоли пунктлари хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланмаслигига олиб келувчи маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат-хусусий шериклик етарли даражада жорий этилмаган;

иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмасликка олиб келаётган иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди;

учинчидан, аҳоли яшаш пунктларининг ифлосланишига сабаб бўлаётган полимер плёнкали материаллардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилган ва улар тарқалган, шунингдек, муқобил биологик чирийдиган материаллардан фойдаланиш тизими мавжуд эмас;

тўртинчидан, содир этилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар, жумладан атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун жавобгарликка тортилмаслик ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга чора кўриш ва уларнинг оқибатларини бар-тараф этиш тизими самарасиз;

бешинчидан, соҳада мамлакатнинг ҳақиқий санитария-экологик ҳолати-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

ни баҳолаш имконини берувчи замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд эмас.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) тадбиркорлик субъектларининг чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилиш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтиришни назарда тутиш вазифаси юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат экология қўмитасининг мазкур соҳага инвестиция киритиш учун қулай шароит яратиш орқали маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш фаолиятига тадбиркорлик субъектларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳудудлари (кейинги ўринларда — ҳудудлар) тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида чиқинди тўплаш шохобчалари ва туташ ҳудудларида лозим даражадаги тозаликни таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралаш шarti билан бириктириб берилади;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида бириктириб бериш фақат танлов асосида, ноль ставкадан бошланувчи электрон аукцион йўли билан «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари оммавий шартномалар асосида кўрсатилади.

Белгилансинки:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш бўйича танлов ўтказилмаган деб топилган ҳолларда, тегишли ҳудудлар «Тоza ҳудуд» ДУК ёки «Махсустрaнс» ДУКга танлов ўтказилмаган ҳолда бириктириб берилади;

Давлат экология қўмитаси маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни мувофиқлаштиради.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат экология

қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш материалларини йиғиш ва ваколатли органлар билан келишиш тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини, шунингдек, унинг «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасига интеграция қилинишини;

майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни электрон аукцион ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларига бириктиришнинг «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали ташкиллаштирилишини таъминласин.

5. 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар тақиқланади:

полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг нархини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар нархига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш (экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган, хўжаликда фойдаланиш учун рулонларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик чирийдиган полимер материаллардан тайёрланган пакетлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига полимер плёнкали пакетларни (ТИФ ТН бўйича 3923 21 000 0, 3923 29 100 0, 3923 29 000 кодли) олиб кириш, жисмоний шахслар томонидан товарлар ва шахсий буюмларни ташиш ва қадоқлаш учун олиб кириладиган пакетлар, шунингдек, тамғаланган юк бўлинмасида транзит тарзида олиб ўтиладиган товарлар бундан мустасно.

Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси мазкур бандда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий тажриба ва жамоатчиликнинг ҳар томонлама муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йил 1 январга қадар муддатда фойдаланиш хусусиятини йўқотгандан сўнг атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар гуруҳига экологик йиғимни жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланган таклифлар киритсин.

7. 2023 йил 1 январгача бўлган муддатга:

майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сотиб оладиган, мамлакатда ишлаб чиқарилган янги махсус автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатга олишда Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига тўланадиган йиғимлардан;

«Тоза ҳудуд» ДУК ва «Махсустрас» ДУК ер солиғи ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшаётган маблағларни уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирган ҳолда;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, товарларни қадоқлаш ва жойлаш ўраш учун биологик чирийдиган полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари);

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Марказий банкининг:

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитларни (кейинги ўринларда — ажратилган кредитлар) миллий валютага алмаштириб, уларнинг фоиз ставкасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгилаб, реструктуризация қилиш;

кредитларни қайтариш жадвалларига тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда, уларнинг сўнгги тўлов муддатларини реструктуризация қилинган санадан бошлаб 7 йил этиб белгилаш;

берилган кредитларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг активлар сифатини таснифлаш тўғрисидаги талабларини қўлламаслик, уларни қайта кўрилган кредитлар ҳисоб варақларига ўтказмаслик ва улар бўйича захиралар ташкил қилмаслик тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Қуйидагилар:

2019 — 2021 йилларда «Тоза ҳудуд» ДУКларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан махсус техника ва ускуналар билан қўшимча жиҳозлашнинг прогноз параметрлари 1-иловага\* мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш ва уларни контейнерлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли дастур 2-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан «Тоза ҳудуд» ДУКларнинг фаолият кўрсатаётган амалдаги полигонларини жиҳозлаш бўйича манзилли дастур 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясига мазкур бандда назарда тутилган прогноз параметрлари ва манзилли дастурларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда:

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда:

ҳудудларни ифлослантирганлик учун шахсларни жавобгарликка тортишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишни, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришни;

жамоат жойларида чиқиндиларни тўплаш учун контейнерлар (чиқинди қутилари)ни ўрнатишга, жумладан уларнинг намунавий шакллариغا, шунингдек, ташкилотларнинг ўзларига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ ҳудудларга мазкур контейнерлар (чиқинди қутилари)ни ўрнатиш бўйича талабларни назарда тутувчи таклифлар киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда:

аҳолига атроф-муҳит ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган махсус веб-портални яратиш ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизими жорий қилинишини;

Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтида мазкур соҳада давлат-хусусий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида мамлакат ҳудудлари кесимида аҳоли яшаш пунктлари, яшовчи аҳоли ва мавжуд контейнерлар сонини кўрсатган ҳолда барча чиқинди тўплаш шохобчалари жойлашининг электрон харитасини кўрсатувчи саҳифа очилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга

---

\* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга тегишли бўлган махсус автотранспорт воситаларини уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган (қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқалар) ишларга жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 май,  
ПҚ-3730-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**441 Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этиш тўғрисида\***

Жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида дунёда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, дунё ҳамжамиятини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, давлат ва нодавлат даврий босма нашрлар, телерадиостудиялар, таҳририят-матбаа комплексларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янгича шарт-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 майда эълон қилинган.

шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини тақозо этмоқда.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам миллий журналистика мактабини шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва Интернет тармоғидаги тахлили сайтларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда юртимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар зарур. Бироқ, мамлакатимизда бундай кенг кўламли вазифани ҳал этадиган таянч олий таълим муассасаси мавжуд эмас.

Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий ишлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет оммавий ахборот воситалари соҳаси учун журналист кадрлар, шу жумладан, юқори малакали, бир неча хорижий тилларни мукамал биладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, республикада медиатаълим тизимини яратиш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мазкур йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатеchnологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

мамлакатимизнинг оммавий коммуникация ва журналистика соҳасида эришган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва ҳудудларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услугий адабиётларни яратиш, шунингдек, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш;

журналистика соҳаси таълимини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий технологияларни жорий қилишга

йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

истикболли ёш битирувчиларни хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларининг магистратура ва докторантурасида таълим олиш учун мунтазам юбориш орқали Университетнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш;

республика оммавий ахборот воситалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-методик базасини шакллантириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш.

#### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ривожлантириш чора-тадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Университет тузилмасига олий таълим муассасаси учун белгиланган нормативларга мувофиқ ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетиде бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул квоталари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### Қайд этилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси асосида Университетнинг тегишли таълим йўналишлари бўйича аби-туриентларни олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касб лаёқатини аниқлашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон (ёзма ва суҳбат шаклида) ўтказиш орқали амалга оширилади;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде «Журналистика (фаолият турлари бўйича)» таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликлари, шу жумладан, «Олий журналистика курслари» бўйича қабул тўхтатилади ҳамда ушбу таълим йўналиши ва унинг негизидаги тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар ўқишни битиргунларига қадар мазкур олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттирадилар;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Университетга талабаларни бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



қилиш сони ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига Университетнинг сиртки таълим шакли бўйича қабул квоталарини шакллантириш юзасидан бир ой муддатда таклиф киритсин.

Қайд этилсинки, сиртки таълим шакли бўйича қабул квоталари 2018/2019 ўқув йилида Университет бакалавриат таълим йўналишлари учун белгиланган қабул квоталарининг ўттиз фоизгача бўлган миқдорда белгиланади.

7. Белгилансинки, Университет учун бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:6,0 нисбатда ўрнатилади ва Университет профессор-ўқитувчиларининг базавий лавозим маошлари миқдорига ўттиз фоиз устама қўшиб ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: бир ой муддатда Университет уставини давлат рўйхатидан ўтказилиши чораларини кўрсин;

2018 йил 15 июнга қадар Университетнинг бўлимлари, факультетлари ва кафедраларини шакллантиришни, тасдиқланган тузилмага мувофиқ профессор-ўқитувчилар таркибини юқори малакали, таълим тизимида замонавий билимларга, шунингдек, амалий иш тажрибасига эга мутахассислар билан тўлдирилишини, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва даражасини узлуксиз ошириш учун шароитлар яратилишини, ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар кенг жалб этилишини таъминласин;

2018 йил 15 июлга қадар журналистика соҳасида кадрлар тайёрлашга оид илғор хорижий тажриба асосида ўқув режалари ва фан дастурлари, ўқув-методик материаллар ва қўлланмалар ишлаб чиқилишини ва кафедраларга етказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда талабаларнинг малакавий амалиётларини белгиланган тартибда миллий, шунингдек, илғор хорижий оммавий ахборот воситалари базасида ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг бино ва иншоотларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш (мебеллар, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситалари) учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдалансин.

9. Университет кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга бириктириладиган талабалар сони 4-иловага\* ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Қўйидагилар Университетда юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва «устоз-шогирд» тизими асосида ўталишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий ахборот дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига малакасини ошириш ва докторантурага юбориш, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини мунтазам ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Университетда журналистика соҳаси бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

13. Қўйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;  
хўжалик фаолиятдан ва шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уйда жойлашган Юнусобод дизайн касб-хунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Университетга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Юнусобод дизайн касб-хунар коллежининг ўқувчилари ўқишни битиргунларига қадар Университет биноларида ўқув жараёнини давом эттирадилар.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Университетни онлайн маъруза ҳамда масофавий таълим учун телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилмаси билан таъминлаш, шунингдек, Интернет ҳамда электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Университетнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2019 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилиши бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Университетни сақлаш харажатларини 2018 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратишни, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Университетга 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат ва 1 та махсус енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Васийлик кенгашининг таркибини тасдиқласин;

Университетнинг моддий-техника базасини яратиш, шу жумладан, талабалар турар жойини қуриш ва жиҳозлаш, кичик босмахона ва ўқув телестудияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 24 май,  
ПҚ-3737-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**442 Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда нотариатни ислох қилиш, уни превентив одил судлов ҳамда суд низоларининг олдини олиш вазифаларини бажарувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминловчи муҳим институтлардан бири сифатида шакллантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал идораларнинг фаолиятида суд-ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишда, иктисодий, оилавий, мерос, уй-жой, меҳнат ва бошқа низоларни олдини олишда нотариатнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлигининг паст даражадалиги, нотариал идоралардаги узундан-узун навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги, шунингдек, мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовлар аҳолини нотариат тизимига бўлган ишончини пасайтирмоқда ҳамда коррупция кўринишлари пайдо бўлишига имкон қолдирмоқда;

иккинчидан, асосан тасдиқлаш хусусиятига эга бўлган вазифани бажарётган амалдаги нотариат тизими мамлакатнинг бугунги ривожланиш талабларига жавоб бермаяпти, нотариал ҳаракатларни бевосита аҳоли пунктларига чиққан ҳолда амалга оширишнинг кенг амалиёти мавжуд эмас. Жамиятнинг ривожланишидан ортда қолаётган нотариатнинг фаолият кўрсатиш тизими, унинг комплекс нотариал хизматлар кўрсатувчи янада фаол моделига ўтишни талаб этмоқда;

учинчидан, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, идоралараро электрон ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги аҳолига тезкор нотариал хизматларни кўрсатиш имконини бермаяпти ҳамда зарур маълумотнома ва ҳужжатларни тўплаш учун ваколатли давлат ташкилотларига бевосита ташриф буюришни талаб этмоқда. Профилактик чоралар сифатида энг кўп низолашилаётган нотариал битимларни расмийлаштиришда аудио ва видео қайд этишдан фойдаланилмаяпти;

тўртинчидан, нотариуслар ва нотариал идораларнинг ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими нотариат корпусини юқори малакали кадрлар билан шакллантириш масалаларини тизимли равишда ҳал этиш имконини бермаяпти. Нотариусларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурлари нотариал амалиёт билан етарли даражада уйғунлаштирилмаган;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 майда эълон қилинган.

бешинчидан, стажировка ўташнинг узоқ ва мураккаб жараёни бўш турган нотариус лавозимларини малакали кадрлар билан тез тўлдириш учун зарур чораларни кўриш имконини бермаяпти;

олтинчидан, нотариал хизматлар кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, нотариал идора ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, айниқса, масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Нотариатнинг фаол модели доирасида Нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда «ягона дарча» тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхати 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин ва 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, бошқа ваколатли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

белгиланган муддатларда ушбу қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган ахборотларни алмашиш учун маълумот базалари ва ахборот тизимларини жорий этиш, шунингдек, уларни «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар бўйича электрон маълумот базасининг шакллантирилишини, кейинчалик уни «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартибини ўрнатиш орқали кўчмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

васиятномаларни имзолаш жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео қайд этилиши лозим;

юридик шахс нотариусга ихтиёрий мурожаат этганда унинг коллегиял органининг қарори қабул қилинганлиги факти нотариал тасдиқланиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг 2019 йил 1 январдан қўйидагиларга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади;

мурожаат этувчиларнинг нотариал ҳаракатлар бажарганлигини тасдиқлаш нотариал тасдиқланаётган ҳужжатларга улар томонидан имзо қўйиш ва махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб ва ускуналарни олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига техник жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

нотариус лавозимига номзодларнинг стажировка ўташ муддатини икки йилдан бир йилга қисқартириш тўғрисидаги;

нотариус лавозимига номзодлар учун судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарлик ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахсларга мажбурий стажировка ўташ бўйича талабни бекор қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, маскур банднинг амал қилиши ушбу қарор кучга кирган пайтда нотариал идораларда стажировка ўтаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

6. Нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

«Йўл харитаси»да кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари унда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлашдаги имтиёзлар ва белгиланган давлат божи миқдорларини танқидий ўрганиб чиқсин, натижаси бўйича нотариусларнинг ижро ёзувларидан фойдаланиш амалиётини кенгайтиришга, суд тизимидаги иш ҳажмини камайтиришга йўналтирилган давлат божи ставкалари ва имтиёзларини мақбуллаштириш юзасидан таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мерос ишларини расмийлаштириш соҳасида нотариал ва суд амалиётини ўргансин ва ушбу соҳадаги ягона ёндашувни таъминлаш юзасидан таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йил 1 январдан бошлаб уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берилган шахслар тўғрисидаги маълумотни нотариал идораларга реал вақт режимида бепул асосда тақдим қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда барча нотариал идораларни уларда белгиланган иш вақтига мувофиқ фаолият кўрсатувчи махсус кассалар, шунингдек, махсус кассаларни банк пластик карточкаларидан тўловни қабул қилиш бўйича ҳисоб терминаллари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тижорат банклари томонидан нотариуслар томонидан ўзларининг нотариал идоралари бино ва иншоотларида очилган махсус кассалари орқали ундириладиган давлат божларининг жами суммасидан ажратма олиш ҳақида таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида нотариус лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаб олиш жараёнини реал вақт режимида аудио ва видеотрансляция қилиш амалиётини жорий этсин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда нотариал идораларда нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда реал вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган аудио ва видеокузатув тизимини жорий этиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан улардан фойдаланишни таъминласин;

икки ой муддатда нотариусларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни, жумладан психология ва юридик фаолият билан боғлиқ бўлмаган тартиблар ва кўникмаларга (стрессни бошқариш, келишмовчиликларни бошқариш, иш вақтини самарали ташкил этиш) ўргатиш бўйича дарслар киритилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

нотариал амалиётда вужудга келаётган долзарб масалаларни видеоконференциялар ташкил этиш орқали муҳокама қилишни назарда тутувчи доимий семинар машғулотларини ўтказиб боришни амалиётга кенг жорий этсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда аҳолининг нотариал хизматлардан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида нотариал округдаги нотариус лавозимларини белгилаш мезонларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда илғор хорижий тажрибани ва миллий нотариал амалиётни чуқур ўрганган ҳолда давлат нотариал идораларини фаол нодавлат шаклига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асослантирилган таклиф киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 май,  
ПҚ-3741-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **443 Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майдан бошлаб қарздорлар, шу жумладан, етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлар тўғрисида барча учун очиқ маълумотлар базаси ишлаб чиқилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган йирик битимлар, айрим турдаги молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари ва давлат хизматлари жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги (кейинги ўринларда қарздорликни текшириш деб аталади) мавжудлиги текширилганидан кейин амалга оширилади, ушбу банднинг олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

қарздорлик мавжудлигини текшириш ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) маълумотлар базаси орқали онлайн режимида тегишли йирик битимларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатишдан аввал амалга оширилади;

йирик битимларни амалга ошириш ва тегишли хизматлар кўрсатишга қарздорликни текшириш натижалари бўйича етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича тўланмаган қарз аниқланмаган тақдирдагина рухсат этилади. Бу ҳолларда битимни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган ташкилот Бюро маълумотлар базасидан тегишли кўчирмани чоп этади ҳамда уни тегишли битимларни амалга ошириш ва хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ материалларга бириктириб қўяди;

жисмоний ва юридик шахсларда қарздорлик аниқланган тақдирда, битимни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган ташкилотлар қарздорга Бюро маълумотлар базасидан олинган тегишли кўчирма нусхасини тақдим этган ҳолда битимни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатишни рад этади.

Даврий тўловларни тўлашни назарда тутадиган мулкий тусга эга ижро ҳужжатлари бўйича қарздорликни текшириш фақат ушбу қарор 1-илосининг 10 — 12-бандларида назарда тутилган хизматлар кўрсатилаётганда жисмоний шахсга нисбатан суд ёки давлат ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга вақтинчалик чеклов ўрнатилганлиги мавжудлиги юзасидан амалга оширилади.

Белгилаб қўйилсинки, етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қарздорликни текшириш жисмоний шахсларга — кўчмас мулк объектлари мулкдорларига ва қарздор — кўчмас мулк мулкдорининг турар жой манзили бўйича доимий прописка қилинган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

3. Битимларни амалга оширувчи ва тегишли хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қарздорлиги мавжудлигини текшириш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бюро Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қуйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус дастурий модул ишлаб чиқилишини ва унинг фаолиятини таъминласин:

Бюронинг маълумотлар базаси орқали етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун, шу жумладан, жисмоний шахс доимий прописка қилинган жой бўйича, шунингдек, мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорликни текшириш;

қарздорликни текшириш натижаси бўйича текшириш ўтказилган сана ва вақтни кўрсатган ҳамда махсус QR-кодни қўйган ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирмани чоп этиш;

Бюронинг маълумотлар базасига тегишли қарздорлик тўланганлиги тўғрисидаги ахборотни тезкор равишда киритиш.

5. Ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган йирик битимларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар Бюро билан биргаликда икки ҳафта муддатда қарздорликни текширишда дастлабки ва чиқиш маълумотларига доир ягона технологик ва ташкилий талабларни, Бюронинг маълумотлар базасига марказлаштирилган ҳолда уланишни ҳамда ахборот хавфсизлигининг бошқа талабларини назарда тутувчи ўзаро электрон ҳамкорликнинг тегишли регламентларини тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига жисмоний ва юридик шахсларга ушбу қарор билан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилмаган кредитлар беришда ҳамда бошқа молия-кредит хизматлари кўрсатишда миждознинг тўлов қобилиятини ва бажарилмай қолган молиявий мажбурияти мавжудлигини текшириш мақсадида Бюро маълумотлар базаси орқали қарздорлик текширувини банк амалиётига жорий қилиш тавсия этилсин.

7. Бюрога жисмоний шахсларнинг етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, ижро ҳужжатлари бўйича қарзларни тўлашнинг қўшимча шакллари, фуқароларни қарздорлик мавжудлиги ва уни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, SMS хабарлар ва USSD сўровлардан фойдаланган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида хабардор қилиш шакллари жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси мобиль алоқа тармоғи операторлари Бюронинг сўровига биноан абонентларга етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари бўйича қарздорлик, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик муддати ва уларни тўлаш тартиби тўғрисидаги SMS хабарларнинг бепул тарқатилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтегаз» АЖ бошқаруви раиси А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 21 май,  
379-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 21 майдаги 379-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали фақат  
қарздорлик текширилгандан кейин содир этиладиган  
йирик битимлар ва кўрсатиладиган хизматлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йирик битимлар ва хизматлар	Битимларни амалга оширувчи ёки хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
1.	Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш (олди-сотди, ижара, ҳадя, ишончнома бериш, ишончли бошқариш ва шу кабилар)	Нотариал идоралар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)
2.	Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш (олди-сотди, ижара, лизинг, ҳадя, ишончнома бериш ва шу кабилар)	
3.	Янги автотранспорт воситаларини, шу жумладан лизинг шартномалари бўйича сотиш.	«Ўзавтосаноат» АЖ
4.	Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун кредитлар бериш, шу жумладан, улар бўйича лизинг операциялари	Тижорат банклари
5.	Ижро ҳужжатлар бўйича электрон-онлайн аукционларда мулкни сотиш (электрон онлайн аукционда иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилиш)	«Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси)
6.	Хусусийлаштириладиган кўчмас мулк объектларини, масъулияти чекланган жамиятлар устав фонди (устав капитали)даги давлат улушларини ҳамда давлат мулкни ижарага бериш ҳуқуқини электрон онлайн-аукционларда сотиш (электрон онлайн аукционда иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилиш)	
7.	Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш	Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси) Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
8.	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш	
9.	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги кадастр ишларини тайёрлаш	
10.	Халқаро йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш учун авиачипталар сотиш (Ўзбекистон Республикасига авиачипталардан ташқари)*	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиачипталар сотиш кассалари
11.	Халқаро йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш учун темир йўл чипталари сотиш (Ўзбекистон Республикасига темир йўл чипталаридан ташқари)*	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг темир йўл чипталари сотиш кассалари
12.	Чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш*	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)

Т/р	Йирик битимлар ва хизматлар	Битимларни амалга оширувчи ёки хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
13.	Автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)
14.	Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ва алмаштириш	
15.	Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш ва қайта расмийлаштириш, шунингдек, лицензияларни қайта тиклаш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш	Лицензияловчи органлар Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
16.	Чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
17.	Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш	Курилиш бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги)  Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
18.	Бинолар ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадни таъмирлаш) келишиш	
19.	Объектни реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш учун рухсатнома бериш	
20.	Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш	
21.	Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви	Давлат божхона хизмати органлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси)

\* Қарздорликни текшириш суд ёки давлат ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга вақтинчалик чеклов ўрнатилганлиги мавжудлиги юзасидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 21 майдаги 379-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Битимларни амалга оширувчи ва тегишли хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар  
томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қарздорлиги мавжудлигини текшириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Етказиб берилган электр энергияси, табiiй газ, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловлар бўйича қарздор- лиги мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни Ўзбеки- стон Республикаси Бош прокуратураси ҳузу- ридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) онлайн режи- мида тақдим этади, шунингдек, қарздорлик тўланган тақдирда ушбу маълумотлар бир вақтнинг ўзида янгилаб борилишини таъминлайди.	Донмий равишда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси	<p>1. «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, ижро ҳужжатлари маълумотлар базасидан олинган маълумотлар асосида етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги (кейинги ўринларда қарздорлик деб аталади) мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар — қарздорлар тўғрисида тегишли маълумотлар базаларини шакллантиради.</p> <p>2. Тасдиқланган регламентларга мувофиқ ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган битимларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг шакллантирилган маълумотлар базасига монеликсиз киришини таъминлайди.</p>	Доимий равишда
3-босқич	Битимларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар	Ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган йирик битимларни амалга ошириш, айрим молия-кредит хизматларини кўрсатиш, халқаро йўловчи ташиш хизматлари ва давлат хизматлари кўрсатишда қарздорларнинг маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларда қарзларнинг мавжудлигини олдиндан текширади.	Йирик битимларни амалга ошириш ва айрим молия-кредит хизматлари кўрсатишгача
4-босқич	Битимларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар	Жисмоний ва юридик шахсларда қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, битимларни амалга ошириш ва хизматларни кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Жисмоний ва юридик шахсларда қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда
5-босқич	Жисмоний ва юридик шахслар «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бюро (ижро ҳужжатлари қисми бўйича)	<p>1. Мавжуд қарздорликни қошлайди.</p> <p>2. Қарздор томонидан қарз тўланганлиги ҳақидаги маълумот Бюронинг маълумотлар базасига тезкорлик билан киритилишини (тақдим этилишини) таъминлайди.</p>	<p>1. Жисмоний ва юридик шахсларда қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда</p> <p>2. Мавжуд қарздорлик қопланганидан сўнг зудлик билан</p>

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**444 Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига асосан **буюраман:**

1. Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 май,  
186-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви  
миллий агентлиги директорининг 2018 йил  
15 майдаги 186-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Махсус ахборот портали операторининг давлат  
харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги  
фаолияти тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Давлат харидлари тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ махсус ахборот портали операторига (бундан буён матнда Оператор деб юритилади) нисбатан умумий талабларни ва махсус ахборот порталида (бундан буён матнда портал деб юритилади) давлат харидларини ташкил этиш бўйича унинг фаолияти тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Оператор сифатида ушбу Низом талабларига жавоб берадиган юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) белгиланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аванс тўлови** — Агентлик томонидан белгиланадиган, давлат буюртмачиси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимларини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

**электрон давлат харидларига киритиш** — ушбу Низомга мувофиқ Оператор томонидан буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини электрон харид қилиш тартиб-таомилларидан фойдаланишга киритиш тартиб-таомили;

**шахсий кабинет** — электрон давлат харидларида иштирок этиш ҳамда зарур ахборотни жойлаштириш ва ундан фойдалана олишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг порталдаги индивидуал саҳифаси;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси** (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) — буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси томонидан киритиладиган пул маблағларини ҳисобга олиш ва улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлайдиган Операторнинг таркибий бўлинмаси;

**харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси** (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) — харид қилиш тартиб-таомилида давлат ха-



ридларини ижро этиш учун талабгор сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти. Харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва у билан шартнома тузилган иштирокчи давлат харидлари ижрочиси ҳисобланади (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади).

## 2-боб. Оператор

### § 1. Операторга талаблар

3. Операторларга қуйидаги талаблар қўйилади:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни, мажбуриятларни ХҚКП орқали бажариш кафолатларини, давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни қайта ишлашни таъминлайдиган электрон ахборот тизимининг мавжудлиги;

электрон тижорат ва ахборот технологиялари соҳасида малакали ходимлар мавжудлиги;

портални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларида жойлаштириш;

унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилмаганлиги.

4. Агентлик Оператор функциясини бажаришни истаган юридик шахсдан (бундан буён матнда Аризачи деб юритилади) давлат харидлари соҳасида малакали ходимлар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни сўрашга ҳақли.

### § 2. Операторни аниқлаш

5. Аризачи ўзининг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Одоб-ахлоқ қоидалари лойиҳасини илова қилган ҳолда Агентликка ариза юборади.

6. Агентлик ариза олингандан бошлаб бир ой муддатда тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомда ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ўрганadi.

7. Ўрганиш натижалари бўйича Агентлик қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

аризани қаноатлантириш ва Оператор функцияларини Аризачига юклаш ҳақида;

аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

8. Аризачига Оператор функциялари юклатилганда, у билан келишув тузилади, унда буюртмачи ва иштирокчилардан Оператор фойдасига олинadиган воситачилик йиғими миқдори назарда тутилади. Воситачилик йиғими миқдори барча Операторлар учун ягона ҳисобланади.

9. Оператор келишувни бекор қилишдан беш ой олдин, бу ҳақда Агентликка хабарнома юборган ҳолда ўз ташаббуси билан Операторлик функцияларини бажаришдан воз кечишга ҳақли.

10. Агентлик қарори билан, Оператор қуйидаги ҳолларда ўз функцияларини бажаришидан четлаштирилиши мумкин:

у томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жиддий бузилганда;

унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилганда.

11. Оператор ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилган тақдирда Агентлик ва Оператор ўртасида тузилган келишув ушбу келишувда ўрнатилган тартибда бекор қилинади.

### **§ 3. Операторнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

12. Оператор қуйидаги функцияларни амалга оширади:

порталнинг узлуксиз ишлашини, унга жойлаштирилган ахборотнинг бут сақланишини ва бир бутунлигини, мазкур порталнинг тегишли давлат бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари ва ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда уйғун ишлашини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг электрон шаклда сақланишини, шу жумладан электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар сақланишини таъминлайди;

порталда давлат бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этади;

портални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларига жойлаштиради;

портални техник қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади;

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияни тузади ва унинг фаолиятини ташкил этади, унинг ишчи органи функцияларини бажаради.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Операторнинг мажбуриятлари:

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

давлат харидларида иштирок этиш учун буюртмачиларга ва иштирокчиларга порталдан бепул эркин фойдаланишларини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ порталда мавжуд бўлган ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг бепул эркин фойдаланишини таъминлаш;

давлат харидлари соҳасидаги ҳисоботни техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

интеграция масалалари ҳамда давлат ахборот тизимлари ва давлат электрон ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ваколатли орган билан ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат харидларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш;  
порталда Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини жойлаштириш;  
тузилган шартномалар реестрини шакллантириш;  
давлат харидлари натижалари ҳақида портал орқали Агентликни хабардор этиш;

Агентликка давлат харидлари билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш;  
ягона етказиб берувчилар реестрини юритиш;

давлат харидлари натижалари бўйича товарлар, ишлар, хизматлар нархлари маълумотлар базасини ташкил этиш ва янгилаб бориш;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш;

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

14. Оператор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

порталга жойлаштириладиган файлларга нисбатан технологик талаблар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича талаблар ўрнатишга;

бюртмачи томонидан харидларни амалга ошириш тўғрисида эълон ва харидлар режа-жадваллар жойлаштирилмаган ҳолларда, харидларни амалга ошириш натижалари ҳақидаги ахборотни чоп этиш.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

15. Оператор:

иштирокчи, ижрочи сифатида давлат харидларида иштирок этишга, уларнинг аффилиланган шахси бўлишга;

давлат харидларини амалга ошириш ва нарх белгилаш жараёнига аралашишга, контрагентларни танлашда ва шартномалар тузишда давлат харидлари субъектларининг эркинлигини чеклашга, шунингдек давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклашга, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

ўтказиб бериладиган, олинладиган ва сақланладиган электрон ҳужжатлар ҳамда электрон хабарларнинг ишончлилигини, шунингдек агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилишга ёки текширишга;

давлат харидлари субъектлари томонидан жойлаштириладиган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг мазмунини ўзгартиришга ҳақли эмас.

### **3-боб. Электрон давлат харидларига киритиш**

16. Бюртмачилар ва иштирокчиларни электрон давлат харидларига киритиш (бундан буён матнда харидга киритиш деб юритилади) тартиб-таомили уларда электрон рақамли имзо (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади.

17. Бюджет бюртмачиларни харидга киритиш автоматик режимда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Операторнинг маълумотлар базасини электрон ҳамкорлик орқали Оператор томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

18. Корпоратив буюртмачиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги электрон шаклдаги сўровнома-аризани (бундан буён матнда сўровнома деб юритилади) тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

19. Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

20. Иштирокчиларни харидга киритиш, улар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

21. Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузишга ҳуқуқини белгилайди.

22. Иштирокчи сўровномада ўзи етказиб бермоқчи бўлган товарлар гуруҳлари ёки тоифаларига тегишли қаторларни тўлдиради.

23. Иштирокчи сўровномада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

24. Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.

25. Оператор иштирокчиларга нисбатан ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилмаган қўшимча мезонларни ўрнатишга ҳақли эмас.

26. Буюртмачилар ва иштирокчиларни харидга киритиш бепул амалга оширилади.

27. Буюртмачилар ва иштирокчиларни харидга киритиш порталга зарур маълумотлар киритилгандан сўнг бир иш куни давомида амалга оширилади.

28. Корпоратив буюртмачиларга ва иштирокчиларга бериладиган индивидуал логин ва пароль уларнинг сўровномада кўрсатилган электрон почта манзилига юборилади.

29. Буюртмачилар ва иштирокчилар ўзларининг логин ва пароллари ҳақидаги маълумотларнинг бутлиги ҳамда учинчи шахсларга тарқатилмаслигини, шунингдек ЭРИдан белгиланган тартибда фойдаланишни мустақил равишда таъминлайдилар ва жавобгар бўладилар.

30. Оператор:

буюртмачилар ва иштирокчиларга ҲККПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади;

буюртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.

31. Иштирокчини электрон харидлардан четлатиш қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

#### 4-боб. Шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлаш

32. Буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида ўзларининг иштирокларини фақатгина ЭРИ орқали амалга оширадилар.

Буюртмачи ва иштирокчи ўртасида ЭРИдан фойдаланган ҳолда порталда тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади.

33. Оператор ҳисоб-китобларни ташкил этиш, ҳисобини юритиш ҳамда корпоратив буюртмачилар ва иштирокчиларнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида Операторга хизмат кўрсатувчи банкда ҲККП учун алоҳида иккиламчи ҳисоб очади.

Оператор шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш бўйича корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар учун ҲККПда ҳисоб рақам очади.

34. Корпоратив буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ҲККПдаги ҳисоб рақамларига зақалат тўловларини ўтказадилар.

35. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет буюртмачиларининг ҳисоб-китобларини ташкил этиш, шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилиши ҳисобини юритиш ва таъминланиши мақсадида Оператор учун Молия вазирлигида махсус ҳисоб рақамлар очади ва унга ушбу ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини бошқариш учун рухсат беради.

Оператор бюджет буюртмачиларига ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш ва шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун ҲККПда ҳисоб рақамлар очади.

36. Бюджет буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали электрон аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон (бундан буён матнда эълон деб аталади) жойлаштирилгандан ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танлангандан (бундан буён матнда оферта деб аталади) сўнг, портал зарур бўладиган аванс тўлови суммасини харажат моддасини кўрсатган ҳолда, оферта ёки эълон суммасини шакллантиради ва уни Оператор ва Молия вазирлиги ўртасида электрон ахборот алмашинуви орқали Молия вазирлигига юборади.

Ахборот олингандан сўнг, Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда ДМБАТ деб аталади) электрон давлат харидлари яқунларига кўра тузилган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун, молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда, керакли суммага банд қўяди ва Операторнинг махсус ҳисоб рақамига аванс маблағларини ўтказиши.

Аванс тўлови келиб тушгандан сўнг, портал бюджет буюртмачиси томонидан танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмининг ёки жойлаштирилган эълонни активлаштиради.

Операторнинг махсус ҳисоб рақамига аванс тўловлари келиб тушгандан сўнг, ҲККП уларни бюджет буюртмачисининг ҲККПда очилган ҳисоб рақамларида ҳисобга олади.

37. Буюртмачилар ва иштирокчилар, уларнинг ХККПдаги ҳисоб-рақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

38. Аукцион иштирокчиларининг киритилган аванс тўловлари бошқа иштирокчилар томонидан бериладиган паст нарх таклифи келиб тушгунга қадар банд қилиб қўйилади.

Электрон дўкон иштирокчиларининг киритган аванс тўловлари голиб аниқлангунга қадар банд қилиб қўйилади.

Давлат харидлари буюртмачилари ва иштирокчилари киритган закатлари (бундан буён матнда ижрочи деб аталади) шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

39. Электрон давлат харидларининг якунига кўра, портал томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилади ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилади, шунингдек тузилган шартномалар электрон реестрига киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

40. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Агентлик, Молия вазирлиги ва Операторнинг маълумотлар базаси электрон ҳамкорлик орқали Агентликка ва Молия вазирлигига юборади.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги (бундан буён матнда фазначилик деб аталади) шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг бир иш куни мобайнида автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказиши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олади.

42. Корпоратив буюртмачилар шартнома порталда рўйхатга олинган пайдан бошлаб, шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун ўн кун мобайнида ўзларининг ХККПдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказадилар. Бунда закат шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланади.

43. Бюджет буюртмачилари:

шартнома рўйхатга олинган ёки ДМБАТда ҳисобга олинган пайдан бошлаб ўн кун мобайнида пул маблағларини, шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун Операторнинг Фазначиликдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тузилган шартномаларни порталда рўйхатга олинган пайдан бошлаб ўн кун мобайнида, пул маблағларини шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун Операторнинг Фазначиликдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Бунда олдиндан тўлов шартлари қонунчилик талабларига мувофиқ шартномада назарда тутилади.

44. Агарда, буюртмачи шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаган тақдирда, унинг закати уч иш кунда, мазкур муддат тугаганидан сўнг, кейинчалик унга хизмат кўрсатувчи банк ҳисобига ўтказиш учун, ижрочининг ХККПдаги тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

45. ХККП буюртмачидан шартнома бўйича келиб тушган тўлов сумма-

сини банд қилиб қўяди ва пул маблағлари келиб тушган куннинг эртасидан бир иш кунидан кечикмаган муддатда электрон шаклда тўловни амалга ошириш бўйича ижрочига хабарнома юборади.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

46. Ижрочи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ҲҚКП томонидан тўлов амалга оширилиши тўғрисидаги хабарномасиз етказиб берилган тақдирда, буюртмачи томонидан товарлар учун тўловни амалга оширмаслик хавфи ижрочининг зиммасида бўлади.

47. Корпоратив буюртмачи товарни (ишни, хизматни) қабул қилгандан кейин уч иш куни мобайнида Операторга ўзининг шахсий кабинети орқали товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни юборишга мажбур.

48. Бюджет буюртмачиси товарни (ишни, хизматни) қабул қилгандан сўнг уч иш куни мобайнида шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни, бюджет ташкилотларининг ҳисоби ва ҳисоботлари автоматлаштирилган тизимининг дастурий комплекси (бундан буён матнда ЎзБТАД деб юритилади) орқали ДМБАТга киритишга ва юборишга мажбур.

49. ДМБАТ бюджет буюртмачиси томонидан шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) етказиб берганлик тўғрисидаги ахборотни олгандан кейин бир иш куни мобайнида маълумотлар базаларининг электрон алмашинуви орқали Операторга юборади.

50. Оператор, товарлар (ишлар, хизматлар) шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақида маълумотни олгандан сўнг, бир иш куни давомида:

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва ДМБАТга юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни давомида бюджет буюртмачиларининг пул маблағларини ижрочига юборади;

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва Операторга хизмат кўрсатувчи банкка юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг, бир иш куни мобайнида корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағларини ижрочига юборади;

ижрочининг закатлига қўйилган бандни бекор қилади;

закатли банддан ечади ва буюртмачининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради;

шартномавий мажбуриятларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотни порталга жойлаштиради.

51. Шартнома бўйича етказиб бериш муддати тугагандан сўнг, товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмаса, портал бир иш куни мобайнида автоматик режимда буюртмачи, ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини (бюджет буюртмачилари бўйича) хабардор қилади.

52. Буюртмачи томонидан шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ҲҚКП

шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати ту-гагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиси томонидан шартнома бўйича Ғазначиликдаги бюджет буюртмачисининг шахсий ҳисоб варағига киритилган пул маблағларидан, зака-латдан ташқари, бандни бекор қилади ва бюджет буюртмачисига қайтаради;

корпоратив буюртмачи томонидан шартнома бўйича киритилган маблағ-лардан, закалатдан ташқари, бандни бекор қилади;

суд ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйи-ча комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига қадар буюртмачи ва ижрочининг закалатига банд қўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Агентлик ва Ўзбе-кистон Республикаси Молия вазирлигига юборади.

Шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тузилган шарт-нома бўйича мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли буюртмачига қай-тарилган маблағлар, ушбу мақсадлар учун такроран харид тартиб-таомили-ни амалга ошириш йўли орқали фойдаланилиши мумкин.

53. ҲҚКП суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида за-калатни банддан ечишни ва/ёки ўтказишни амалга оширади.

54. Портал, электрон давлат харидларининг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини буюртмачи ва иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади.

55. Иштирокчиларнинг ва корпоратив буюртмачиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилади.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

56. Оператор мазкур Низомни бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

57. Буюртмачилар ва иштирокчилар Операторга тақдим этилган маълу-мотларнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавобгар бўлади.

58. Оператор давлат харидлари субъектларининг ушбу операторга бе-риладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг, шу жумладан бўлажак давлат харидлари тўғрисида махсус ахборот порталида жойлашти-риладиган ахборотнинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

59. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2018 йил 14 май*



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**445 «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 6 октябрдаги 221-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2012, 2009 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 444-модда) муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 майда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 май,  
291-мҲ-сон

*Келишилган:*

*Адвокатлар палатаси  
раиси в. б.*

**Ш. САДИКОВ**

*2018 йил 17 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**446 «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 январдаги 1-мҲ-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2960, 2018 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 1-сон, 11-модда) муқаддимасидаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 майда эълон қилинган.

қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 май,  
292-мх-сон

*Келишилган:*

*Адвокатлар палатаси  
раиси в. б.*

**Ш. САДИКОВ**

*2018 йил 17 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**448 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2861-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 39-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2861, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 137-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»-да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 май,  
295-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги  
295-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг  
маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базаси тегишинча Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари (бундан буён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) томонидан шакллантирилади ва юритилади.»

2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Маълумотлар базалари тегишлича Вазирликнинг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан шакллантирилади ва юритилади.»

3. 8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимлари тўғрисидаги ахборот Вазирликка, вилоят даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимлари тўғрисидаги ахборот Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига, туман (шаҳар) ҳокимликлари, шунингдек туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимлари тўғрисидаги ахборот эса, туман адлия бўлимларига тақдим этилади.»

4. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Давлат органлари ва ташкилотлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 10-санасига қадар тегишли адлия органига мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклдаги маълумотларни ёзма ва электрон шаклда тақдим этади.

Туман (шаҳар) адлия бўлимлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 15-санасига қадар базадаги маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига электрон кўринишда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 20-санасига қадар ҳудудий базадаги маълумотларни Вазирликка электрон кўринишда тақдим этади.»

5. 13-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Маълумотлар базаларининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши учун

масъулият тегишлича Вазирликнинг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари зиммасига юклатилади.».

6. 14-банддаги «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси» деган сўзлар «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **449** Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2862-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2862, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Стажировка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса Ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолия-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 майда эълон қилинган.

тини мувофиқлаштириш бўлимлари (бундан буён матнда масъул бўлинма деб юритилади) томонидан ташкил қилинади.».

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баён-нома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 май,  
296-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**450** Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3574-сон «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сон қарори (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 апрель,  
321-В-8-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 апрель,  
82-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 майда эълон қилинган.



**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 апрель,  
2018-40-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирли-  
ги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил  
19 апрелдаги 321-В-8, 82, 2018-40-сон қаро-  
рига  
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан  
пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Мукқадима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ–1504-сон «Бюджет билан ҳисобкитоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 4 февралдаги ПФ–1923-сон «Ҳисобкитоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги ва 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сон «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молиявий интизомига риоя этилиши юзасидан жавобгарликни ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан (кейинги ўринларда ҳисобварақ деб юритилади) пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, маблағларни ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.»

2. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлик қарзларини тўлаш учун уларнинг ҳисобварақларига маблағ ажратиш режалари доирасида молия ва солиқ органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган схемаларда кўрсатилган ҳисобварақларга;».

3. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Хўжалик юритувчи субъектларнинг «20400 — Жамғарма депозитлар», «20600 — Муддатли депозитлар» ҳисобварақларидаги маблағлар, шунингдек «22602 — Мижозларнинг аккредитивлари бўйича депозитлари»

ва «22606 — Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва/ёки траст хужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари» ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари ушбу Йўриқноманинг 5-бандида кўрсатиб ўтилган талабларни қондириш учун депозит ва аккредитив шартномаларида кўрсатилган муддат тугагандан кейин банклар томонидан тегишли ҳисобвараққа кирим қилинади.».

4. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Асосий ҳисобварақда унга қўйилган талабларни қондириш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг «20400 — Жамғарма депозитлар», «20600 — Муддатли депозитлар», «22602 — Мижозларнинг аккредитивлари бўйича депозитлари» ва «22606 — Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва/ёки траст хужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари» ҳисобварақлари бўйича шартномалар муддатини узайтириш ҳамда янги шартномалар тузиш тақиқланади.».

5. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Мутаносиб тақсимлаш ҳисобварақдаги маблағларнинг кун бошидаги қолдиғидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ойнинг охириги банк иш кунида асосий ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар кун давомида мутаносиб тақсимланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, ҳисобварақдан пул маблағларини мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган мисол асосида амалга оширилади.

Кун давомида ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар 2-сон картотекага етарли бўлганда, 2-сон картотекадаги мавжуд қарздорлик мазкур Йўриқноманинг 5-бандида белгиланган тартибда тўлаб берилади, қарздорлик қоплангандан сўнг, кейинги тўловлар ушбу Йўриқноманинг 2-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.».

6. 1-илованинг 6 — 10-бандларидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 21 майдан 25 майгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015.***

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 291-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 292-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ҳисоб палатасининг 2018 йил 7 майдаги 92, 2018-41, 12/01-1075-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1651-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 295-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2861-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 296-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида ста-

жировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2862-1.*

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 321-В-8, 82, 2018-40-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-8.*